



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИ**

**Вояга етмаганлар ҳақидаги
қонунчилик ижроси устидан
прокурор назоратини ташкил этиш
масалалари**



амалий қўлланма

Наманган 2026

**Наманган вилоят прокурори
У.М.Мадрахимовнинг
умумий раҳбарлиги ва таҳрири остида**

Амалий қўлланмани тайёрлашга масъул:

**Чуст туман прокурори
Х.У.Хакимов**

Қўлланма тайёрловчилар:

**Вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси
А.А.Насриддинов**

**Чуст туман прокурорининг ёрдамчиси
С.А.Вохидов**

Ушбу амалий қўлланма вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида прокуратура органлари ходимларининг хизмат фаолиятида фойдаланиш учун мўлжалланган бўлиб, ушбу соҳадаги энг асосий тушунча ва эслатмаларни ўз ичига олади.

МУНДАРИЖА

1

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХС ТУШУНЧАСИ

Вояга етмаган шахс – 18 ёшга тўлмаган, муомала лаёқатига (тўлиқ) эга бўлмаган, ота-она ёки қонуний вакил (васий ёки ҳомий) томонидан ҳимояланишга муҳтож бўлган ҳамда ҳуқуқий томондан тўлиқ жавобгарлиги бўлмаган шахс.



етмаган шахсларнинг

0-14 ёш

- ўсмирлар. 14, 18-ёш

ФК 22-23-моддалар

Ҳуқуқ соҳалари бўйича ўзига хосликлар:

Жиноят ҳуқуқида жавобгарлик:

- * 14 ёшдан - оғир турдаги жиноятлар учун
- * 16 ёшдан - умумий тартибда
- * 18 ёшдан - айрим субъектлар учун

Оила ҳуқуқида никоҳ ёши:

- * 18 ёшдан – эркаклар ва аёллар учун

Меҳнат ҳуқуқида меҳнат шартномасни тузиш:

- * **16 ёшдан** - умумий тартибда
- * 15 ёшдан – ота-она ёки васий руҳсати билан.

ЖК 17-модда, ОК 15-модда, МК 118-модда, МЖтК 13-модда

2

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

- Прокуратура органлари ўз ваколатларини бошқа давлат органларидан, ўзга ташкилотлардан, мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат Конституцияга ва қонунларига бўйсунган ҳолда амалга оширади.

- Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Конституция 143, 145-моддалар

3

ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Прокуратура органларининг вояга етмаганлар ҳақидаги **қонунчилик ижроси устидан назорат борасидаги фаолияти қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади:**



Вояга етмаганларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назорат:

Вояга етмаганларнинг ижтимоий муҳофазаси соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат

Вояга етмаганлар таълими, маънавий ва жисмоний ривожланиши соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат;

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат

Вояга етмаганларга алоқадор ҳолатлар бўйича терговга қадар текширув, суриштирув ва уларга нисбатан жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишда қонунийликни таъминлаш.

БП 11.09.2017 йилдаги 139-сон буйруғи

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари;

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш шўъбалари;

Ички ишлар вазирлигининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмалари;

Вилоят ҳокимликлари бола масалалари бўйича комиссияси;

Вилоят ИИБ ҳузуридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари.



БП 11.09.2017 йилдаги 139-сон буйруғи

ҲУЖЖАТЛАР:



1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

2. Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни;

3. Ўзбекистон Республикасининг 07.01.2008 йилдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни;

4. Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 йилдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни;

5. Ўзбекистон Республикасининг 08.09.2017 йилдаги “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни;

6. Ўзбекистон Республикасининг 23.09.2020 йилдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни;

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.09.2014 йилдаги “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги Ўзбекистон

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар Республикаси Қонунини амалга оширишга доир норматив-профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақидаги 269-сонли Қарори; такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;

9. Ўзбекистон Президентининг 22.04.2019 йилдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли Қарори;

10. Бош прокурорнинг 11.09.2017 йилдаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сонли соҳавий буйруғи;

11. Бош прокурорнинг 05.12.2017 йилдаги 172-сонли буйруғига асосан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламенти” ва “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ва Транспорт прокуратураларининг намунавий Регламенти” ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг асосини ташкил этувчи текширишларни ўтказиш методикасини шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин:



1. тайёргарлик кўриш

- тегишли қонун ва қонуности ҳужжатлар ҳамда идоравий ҳужжатлар билан танишиб чиқиш;
- назорат объекти ва предметига аниқлик киритиши;
- муқаддам ўтказилган текширув материаллари ва уларнинг натижалари (статистик маълумотларни)ни ўрганиш;
- мутахассисларни жалб қилиш масаласини ҳал қилиш;
- тешириш билан боғлиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиш.

2. текшириш ўтказиш



“Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 6, 22-моддаларида белгиланган ваколатларни амалга ошириш.

(назорат объектларининг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз кириш, ҳужжатлар ва материалларни кўриш, текшириш учун ҳужжатларни ва маълумотларни, мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришларни талаб қилиш.

3. таҳлил қилиш.



Текшириш натижаларини ўрганиб, қонунбузилишига йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлик даражаси ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 37-42-моддаларида кўрсатилган прокурор назорати ҳужжатларини қўллашга оид масалаларни ҳал қилади.

ПРОКУРОР
ҲУЖЖАТЛАРИ:

1. Ариза
2. Қарор
3. Протест
4. Огоҳлантирув
5. Тақдимнома

НАЗОРАТИ

- текшириш натижалари бўйича тузилган маълумотнома (ҳажми ўн беш саҳифадан кўп бўлмаган) текширишга масъул бўлган прокуратура ходими, жалб қилинган мутахассислар, текширилган объектнинг мансабдор ёки моддий жавобгар шахслари томонидан имзоланади.

- прокурор назорати ҳужжатлари қонунбузилишларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, уларнинг асл сабаблари ва бунга имкон берган шарт шaroитларга келгусида йўл қўйилмаслигига қаратилган бўлиши лозим.

Ўрганилиши лозим:

ҳар ярим йилда - васийлик ва ҳомийлик органларининг фаолияти, бунда болани фарзандликка ва оилага тарбияга олишни хоҳлаган шахслар билан ишлашга, шунингдек, болаларни қабул қилган оилаларда уларнинг яшаш шароити ва тарбияси мунтазам ўрганилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим;

ҳар ярим йилда - вояга етмаганларнинг ички ишлар органларига келтирилиши, уларга нисбатан маъмурий таъсир чоралар кўрилиши, шунингдек, профилактик ҳисобга олиниши ва профилактик тадбирлар амалга оширилишининг қонунийлиги;

ҳар ойда - вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам марказлари ва Республика ўқув-тарбия муассасаларига қабул қилиш, жойлаштириш ва сақлаш шароитлари;

ҳар ярим йилда - вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолияти амалга оширилган ишлар самарадорлиги ва эришилган натижалар, шунингдек, ваколатли органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ишларига баҳо берган ҳолда;

ҳар чоракда - вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялари, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва уни ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларининг қонунийлиги.

Назорат фаолиятининг предмети ва асосий йўналишлари



вояга етмаганларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назорат;

вояга етмаганларнинг ижтимоий муҳофазаси соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат;

вояга етмаганлар таълими, маънавий ва жисмоний ривожланиши соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат;


вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат;

вояга етмаганларга алоқадор ҳолатлар бўйича терговга қадар текширув, суриштирув ва уларга нисбатан жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишда қонунийликни таъминлаш

БП 11.09.2017 йилдаги 139-сон буйруғи

- 1) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва таркибий тармоқлар иш режалари;
- 2) ҳайъат қарорлари;
- 3) Бош прокуратура раҳбарияти кўрсатмалари;
- 4) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;
- 4) қонунбузилишлар ҳақидаги маълумотлар;
- 5) оммавий ахборот воситаларининг хабарлари ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа асосларга мувофиқ ўтказилиши қайд этилган.

БП 05.12.2017 йилдаги 172-сон буйруғига асосан тасдиқланган Регламент



- 1) вояга етмаганларга, айниқса ногиронлиги бўлган болалар ва болаликдан ногиронлиги бўлган вояга етмаганларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг сифатига, уларнинг реабилитациясига, дори-дармонлар, протез-ортопедик буюмлар ва ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли шартларда таъминланишига;
- 2) соғлиқни сақлаш муассасаларида болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, касалликларни эрта аниқлаш, уларни профилактика қилиш ва даволаш тадбирларининг ташкил этилишига;
- 3) тиббий муассасаларнинг моддий-техника базасидан самарали ва оқилона фойдаланиш билан болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, тарбиялаш ва парваришлаш мажбуриятларини бажармаган шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилишига;
- 5) вояга етмаганларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги, шунингдек, туғуруқхоналарда она ва бола ўлими ҳамда бир ёшгача бўлган болалар ўлимининг ҳар бир ҳолати бўйича терговга қадар текширув ўтказилиши таъминлаш;

Назорат шакллари
бўлган молиявий-
хўжалик фаолиятини
текшириш (тафтиш
қилиш), қисқа
муддатли текшириш
ва назорат тартибда
текшириш
тушунчалари

- 1) текшириш – хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши;
- 2) молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) — солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш;
- 3) қисқа муддатли текшириш – назорат қилувчи органлар жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида амалга оширадиган текшириш.

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси

Маълумот учун, ҳозирги кунда хусусий мулкчилик шаклига эга бўлган мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари сони ортиб бораётганлигини инобатга олиб, уларнинг фаолиятини текшириш тартибини ёритилиши муҳим аҳамият касб этади.

Назорат қилувчи органнинг масъул ходимлари текширув бошланишидан олдин тадбиркорлик субъекти раҳбарини ёки яқка тартибдаги тадбиркорни текширув мақсади билан таништиради, унга ўз хизмат гувоҳномаси ва текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномасини кўрсатади, Ягона тизимга текширувнинг уникал кодини киритиш орқали текширувга доир маълумотларни олиш ҳуқуқини тушунтиради, шунингдек текширувни ўтказишга асос бўлган ҳужжатлар нусхаларини тилхат олган ҳолда топширади

текширишларни
ўтказиш
методикасини
шартли равишда
уч босқичга
бўлиш
мумкин

- 1) тайёргарлик кўриш;
- 2) текшириш ўтказиш;
- 3) таҳлил қилиш;

Регламентининг 21-бандига

прокурор
томонидан
қуйидагилар амалга
оширилиши лозим:


- 1) тегишли қонун ва қонуности ҳужжатлар ҳамда идоравий ҳужжатлар билан танишиб чиқиш;
- 2) назорат объекти ва предметиға аниқлик киритиши;
- 3) муқаддам ўтказилган текширув материаллари ва уларнинг натижаларини ўрганиш;
- 4) назорат остидаги органлар ва объектлардан олинган статистик маълумотларни таҳлил қилиш;
- 5) назорат қилувчи органлардан қўшимча маълумотлар олиш;
- 6) текширишга тегишли мутахассисларни жалб қилиш масаласини ҳал қилиш;
- 7) назорат объекти ёки ўрганилаётган норматив ҳужжат билан боғлиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиш.





Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 6, 22- моддаларида белгиланган ваколатлардан фойдаланиб, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни.

Келишув битими фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чоратадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга, мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.



текширишнинг якуний босқичи бўлиб, ушбу жараёнда прокурор текшириш натижаларини ўрганиб, қонунбузилишига йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлик даражаси ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 37-42-моддаларида кўрсатилган прокурор назорати ҳужжатларини қўллашга оид масалаларни ҳал қилади



текшириш натижалари бўйича ҳажми ўн беш саҳифадан кўп бўлмаган, умумлаштирилган таҳлилий маълумотнома тузилади ва текширишга масъул бўлган прокуратура ходими, жалб қилинган мутахассислар, текширилган объектнинг мансабдор ёки моддий жавобгар шахслари томонидан имзоланади.

Маълумотномага илова қилинаётган бошқа ҳужжатлар уларни тузган, шунингдек, текширилган объектнинг мансабдор ёки моддий жавобгар шахслари томонидан имзоланади.



**Вояга етмаганлар
ўртасида
назоратсизлик ва
хуқуқбузарликлар
профилактикасини
амалга оширувчи
органлар ҳамда
муассасалари**

- 1) болалар масалалари бўйича комиссиялар;
- 2) ички ишлар органлари;
- 3) таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари;
- 4) васийлик ва ҳомийлик органлари;
- 5) соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- 6) меҳнат органлари.

УРҚ-263,

8-модда

Маълумот учун,
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Вояга
етмаганлар ишлари бўйича
комиссия,
Қорақалпоғистон
Республикаси Вазирлар
Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар, туманлар
(шаҳарлар) ҳокимликлари
хузуридаги вояга
етмаганлар ишлари бўйича
комиссиялар тегишинча
Вояга етмаганлар ишлари
бўйича республика
идоралараро комиссияси
ҳамда вояга етмаганлар
ишлари бўйича ҳудудий
идоралараро комиссиялар
этиб қайта ташкил этилган

- 1) вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширади, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилиш;
- 2) вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ижобий иш тажрибасини умумлаштиради ва тарқатади, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш;
- 3) давлат органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда хуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- 4) вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини таъмин;
- 5) вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, уларнинг назоратсизлиги ҳамда хуқуқбузарлиги, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ҳамда жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш;
- 6) вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

УРҚ-263,

9-модда

18

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ



- 1) якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради;
- 2) қидирув эълон қилинган вояга етмаганларни, шунингдек ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади;
- 3) вояга етмаганларга нисбатан қонунчиликка риоя этмаган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;
- 4) вояга етмаган бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;
- 6) вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларнинг тегишли органлар ва муассасалар томонидан кўриб чиқилишида иштирок этади;
- 7) соҳага оид бошқа ваколатларга эга.

УРҚ-263,

11-модда

19

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ МАРКАЗЛАРИ

1) уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг шахсини аниқлаш, ҳаёти, соғлиғини муҳофаза қилиш ёки улар томонидан такроран ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни кеча-кундуз қабул қилишни ҳамда вақтинча сақлашни таъминлайди;

2) олиб келинган вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бу ҳақда тегишли давлат органларини ва бошқа ташкилотларни хабардор қилади.

3) вояга етмаганларни Республика ўқув-тарбия муассасаларига олиб боради, шунингдек ушбу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларни жойлаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширади

УРҚ-263,

12-модда

- 1) назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар;
- 2) Республика ўқув-тарбия муассасаларини, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасаларини ёхуд бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этганлар;
- 3) ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўн олти ёшгача бўлганлар;
- 4) ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган;
- 5) маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳуқуқбузарликларни содир этганлар, агар уларнинг шахси аниқланмаган бўлса ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса;
- 6) ўзининг Республика ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилиши тўғрисидаги масаланинг суд томонидан кўриб чиқилишини вақтинча кутиб турганлара;
- 6) суднинг ажримига кўра Республика ўқув-тарбия муассасасига юборилаётганлар.

Вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида уларни жойлаштириш учун зарур бўлган энг кам вақт давомида, лекин кўпи билан ўттиз кун бўлиши мумкин. Алоҳида ҳолларда бу муддат суднинг ажрими асосида ўн беш кунгача узайтирилиши мумкин.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида вояга етмаганнинг бўлиши муддатига қуйидагилар кирмайди.

- ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида соғлиқни сақлашни бошқариш органи томонидан эълон қилинган карантин даври;

- вояга етмаганнинг соғлиқни сақлаш муассасасининг ҳужжати билан тасдиқланган ва уни оилага қайтаришга ёки тегишли муассасага юборишга тўсқинлик қилаётган касаллиги даври;

- суднинг илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни Республика ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ажрими устидан берилган шикоятнинг (протестнинг) кўриб чиқилиш вақти.

Васийлик ва
ҳомийлик
соҳасидаги
фаолиятни
амалга
оширувчи
давлат
органлари
жумласига
қуйидагилар
киради

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Э С Л А Т М А !

Васийлик ва ҳомийлик бўйича фаолият туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан – вояга етмаганларга нисбатан ҳамда туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари томонидан – суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларга, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга нисбатан амалга оширилади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари ваколатлари

- 1) етим болаларни, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади ҳамда отаона қарамоғидан маҳрум бўлганликнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб, болаларни жойлаштириш шакллари танлайди, шунингдек уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш шароитлари устидан назоратни амалга оширади;
- 2) ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиш ёки уни бу ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилади;
- 3) якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади;
- 4) ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъволар қўзғатади;
- 5) ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги, шунингдек ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги ишларни судларда кўриб чиқишда иштирок

этади.

Таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари ваколатлари

- 1) вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантиришга, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;
- 2) таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниқлайди ҳамда уларнинг ҳисобини юритади;
- 3) вояга етмаганларга ўз ҳаёт йўлини ва касб-хунар танлашида уларнинг қобилияти, қизиқиши, мойиллиги ҳамда соғлиғининг ҳолатига мувофиқ психологик ёрдам кўрсатади;
- 3) таълим муассасаларида оммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўғарақлар, клублар ташкил этилишини ҳамда вояга етмаганларни уларда қатнашишга жалб этишни таъминлайди, вояга етмаганларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этишда қатнашади;
- 3) ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсони бўлган вояга етмаганларни аниқлайдиган, уларни комплекс текширувдан ўтказадиган психологик тиббий педагогик комиссиялар тузади;
- 4) якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади.

Умумий ўрта,
ўрта махсус,
касб-хунар
таълими
муассасалари
ҳамда бошқа
таълим
муассасалари
ўз ваколатлари
доирасида

1) ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсони ёхуд ўқишида муаммолари бўлган вояга етмаганларга ижтимоий-психологик ҳамда педагогик ёрдам кўрсатади;

2) ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, шунингдек

таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниқлайди;

3) ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни

аниқлайди ҳамда ушбу оилаларга ўз болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасида ёрдам кўрсатади;

4) таълим муассасаларида оммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўгараклар, клублар ташкил қилади ҳамда вояга етмаганларни уларда қатнашишга жалб этади;

5) вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини

шакллантиришга, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни амалга оширишга доир чора-тадбирларни кўради.

Етим болалар
ва ота-она
қарамоғидан
маҳрум
бўлган
болалар учун
таълим
муассасалари
ваколатлари

1) вояга етмаганларнинг ота-онаси вафот этган, уларнинг отаоналари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, улар отаоналарининг ота-оналик ҳуқуқи чекланган, ота-онаси муомалага лаёқатсиз деб топилган, ота-онаси касал бўлган, ота-онаси узоқ муддат бўлмаган, келгусида уларни жойлаштириш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш учун қабул қилади;

2) кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг вояга етмаган болаларини, фақат отаси ёки онаси бор бўлган вояга етмаганларни ушбу оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш учун қабул қилади;

3) мазкур муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

4) яқка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда

Меҳнат органлари
ваколатлари

вояга етмаганларни ишга жойлаштиришга, касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашади, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади ҳамда якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади.

1) вояга етмаганларни ўқитишни, уларнинг

касб-хунар

тайёргарлигини ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга оширади.

2) вояга етмаганларнинг мазкур муассасаларни ўзбошимчалик билан тарк этиши ҳолатлари тўғрисида ушбу

муассасалар жойлашган ердаги ва вояга етмаганларнинг яшаш

жойидаги ёки турган жойидаги ички ишлар органларини хабардор қилади.

3) вояга етмаганларни бошқа Республика ўқув-тарбия муассасаларига ўтказиш.

4) вояга етмаганларни ўқитишни тамомлаш зарур бўлган тақдирда, уларнинг ушбу муассасаларда бўлиш муддатини

1) ~~вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини ўзайтириш~~

босувчи шахслар ўртасида санитария-гигиена билимларини кенг ёйишни, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкил этади;

2) вояга етмаганлар ўртасида алкоголизм, чекиш, гиёҳвандлик ва заҳарвандликнинг тарқалиши тўғрисида вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларни хабардор қилади.

3) уч ёшгача бўлган адашиб қолган, ташлаб кетилган ва отаонаси қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа болаларни кеча-кундуз қабул қилиш ҳамда парваришлашни амалга оширади.

4) Республика ўқув-тарбия муассасаларига юборилаётган вояга етмаганларнинг соғлиғи тўғрисида белгиланган тартибда хулосалар тайёрлайди.

5) жинсий йўл билан юқтириладиган касалликларнинг манбаларини аниқлаш, ушбу касалликларга чалинган вояга етмаганларни текшириш ва даволашни ташкил этади.

6) соҳага оид бошқа ваколатлари амалга ошириди

Республика
ўқув-тарбия
муассасалари ўз
ваколатлари
доирасида

Соғлиқни
сақлашни
бошқариш
органлари ва
соғлиқни
сақлаш
муассасалар
и
ваколатлари

вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолияти амалга оширилган ишлар самарадорлиги ва эришилган натижалар, шунингдек, ваколатли органлар

фаолиятини мувофиқлаштириш ишларига баҳо берган ҳолда ҳар ярим йилда камида бир маротаба текширилиш.

вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялари томонидан васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларининг қонунийлиги ҳар чорақда ўрганиб борилиши белгиланган.

Текширишга тайёргарлик кўриш босқичида тўпланадиган маълумотлар.

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик

ваҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилатган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида, тегишли давлат органлари ва ташкилотлардан комиссия томонидан маълумотлар олинганлиги ёки йўқлиги.

етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун таълим муассасалари, Республика ўқув-тарбия муассасалари, тарбия колониялари ҳамда ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ва ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларидан комиссия томонидан уларда ўтказилган текширишлар ва уларнинг натижалари.

Текширишда ўрганилиши лозим бўлган масалалар

1) комиссия таркибининг белгиланган тартибда тасдиқланганлиги, масъул котиб, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекторлар тайинланганлиги ва секциялар ташкил этилганлиги.

2) комиссия таркиби белгиланган талаблар доирасида шаклланганлиги, комиссия кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш ҳолатларининг мавжудлиги.

3) комиссия томонидан кўриб чиқилган ишлар ва масалаларнинг унинг ваолати доирасига киришлиги.

4) комиссия қарорлари, қўлланилган таъсир кўрсатиш чораларининг асослантирилганлиги ва қонунийлиги

5) вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналарига нисбатан жарима жазосини қўлланилишининг қонунийлиги

6) комиссия томонидан ишларни кўриб чиқиш муддатларига амал қилинганлиги

7) соҳага таълуқли бошқа ҳолатларни эътибор бериб кўриш лозим.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятини олиб борувчи идораларида

- вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилинганлиги;

- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, мазкур соҳадаги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари, шунингдек, миллий қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминланганлиги;

- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш, бунга имкон берувчи сабаб ва шартшароитлар ўз вақтида аниқланганлиги ва бартараф этилганлиги ўрганиш лозим;

Маълумот учун,

1. вояга етмаганларнинг ички ишлар органларига келтирилиши, уларга нисбатан маъмурий таъсир чоралар кўрилиши, шунингдек, профилактик ҳисобга олиниши вапрофилактик тадбирлар амалга оширилишининг қонунийлиги ҳар ярим йилда камида бир маротаба ўрганилади;

2. судларда вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ва Республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш масалалари муҳокамасида прокурор иштироки мажбурийдир;

3. вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам марказлари ва Республика ўқув-тарбия муассасаларига қабул қилиш, жойлаштириш ва сақлаш шароитлари ҳар ойда текширилади

4. профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишининг ҳар бир ҳолати бўйича таъсирга эриштирилган қўриқчилар бейқияда

тўпланадиган маълумотлар

профилактик ҳисобда турган вояга етмаган шахсларнинг сони ва рўйхати.

профилактик ҳисобга олинган фарзанди тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар сони ва рўйхати.

вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия томонидан якка тартибда профилактик назорат ўрнатиш тўғрисида тўпланган ҳужжатлар.

ҳудудда вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноятлар ҳақида батафсил маълумотлар.

назоратсиз қолганлиги аниқланган вояга етмаганлар сони ва рўйхати

мунтазам равишда дарс машғулотларига қатнамаётган вояга етмаганлар сони ва рўйхати

дарс машғулотларига қатнамаётган ўқувчилар ҳақида таълим муассасалари томонидан тақдим этилган маълумотлар ва ушбу ўқувчиларнинг оилавий шароити ўрганилганлиги

ички ишлар органлари томонидан якка тартибда профилактик ҳисобга олинган вояга етмаганлар билан олиб борилаётган профилактик тадбирлар ҳисоби

Текширув режасида қайд этилиши лозим бўлган маълумотлар

- **вояга етмаганларга нисбатан қўзғатилган жиноят** ишлари, терговчилар томонидан тугатилган, тўхтатилган ва айблов хулосаси билан судга юборилган жиноят ишлари рўйхати;

- вояга етмаганларга нисбатан юритилган ва нореабилитация асосларга кўра жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилинган материаллар рўйхати;

- судлар томонидан маъмурий жавобгарликка тортилган вояга етмаганларнинг сони;

- ҳисобда турган вояга етмаганларнинг сони ва рўйхати;

- Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси ҳамда Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасидан қайтганлар сони ва рўйхати;

- ичкилик, гиёхванд ёки бошқа психотроп моддалар истеъмол қилганлиги учун ҳисобда турганлар сони ва рўйхати.

- доимий равишда уйдан ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларидан рухсатсиз кетиб қолувчилар сони ва рўйхати

- ўқишдан ёки фойдали меҳнатдан бош тортган, назоратсиз ҳаёт кечириб юрган вояга етмаганлар сони ва рўйхати

- ўз жонига қасд қилган вояга етмаганлар ҳақидаги маълумотлар

- турли диний ақидпарастлик оқимларига аъзолиги учун ҳисобга олинганлар сони ва улар билан олиб борилган ишлар ҳақидаги маълумотлар

Текшириш объектлари ва уларда ўрганилиши лозим бўлган

масалалар

- **ички ишлар идораларининг масъул бўлинмалари** **томонидан** ҳудудда вояга етмаганларга оид криминоген вазият тўғрисидаги қилинганлиги ахборотнинг комплекс ва тизимли таҳлил.

вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида мавжуд куч ва воситалардан фойдаланиш самарадорлиги.

вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларнинг ўз вақтида аниқланганлиги ҳамда бартараф этилганлиги

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазоларнинг ижросини ташкил этилганлиги

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, давлат органлари ва ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги ташкил этилганлиги

– вояга етмаганлар билан боғлиқ ахлоққа қарши ҳуқуқбузарлик оширилганлиги ва жиноятлар профилактикаси амалга

Маълумот учун, Текширув жараёнида ички ишлар органлари томонидан криминоген вазият ҳақида олинаётган ахборот тизимли равишда ўрганилаётганлигига, шунингдек, мавжуд куч ва воситалар самарали жойлаштирилганлиги, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи омиллар ўз вақтида бартараф этилганлигига эътибор қаратиш лозим

Ички ишлар органларининг вояга етмаганларнинг профилактик ҳисобга олиниши қонунийлигини ўрганишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1) Ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган вояга етмаганларнинг ўз вақтида профилактик ҳисобга олинганлиги.

2) Вояга етмаганларнинг асосли равишда профилактик ҳисобга олинганлиги.

3) Профилактик қилинганлиги.ҳисобга қўйиш тартибига риоя.

4) Профилактик қилинганлиги.ҳисобга қўйиш муддатларига риоя.

5) Профилактик қилинганлиги.ҳисобдан чиқариш тартибига риоя.

6) Ички ишлар органлари томонидан вояга етмаганларга нисбатан маъмурий таъсир чоралар қўрилиши.

БП 11.09.2017 йилдаги 139-сон буйруғи

Шахсни профилактик ҳисобга қўйишга қуйидагилар асос бўлади:

- ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори;
- ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарори;
- ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги терговчининг ёки прокурорнинг қарори;
- суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми;
- шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

~~вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг қарори~~

ЎРҚ-371, 36-модда

Эслатма. Назоратни амалга ошириш жараёнида прокурор шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш ашёлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш, транспорт воситаларини ушлаб туриш, шунингдек, манфаатдор шахснинг шикоятини кўриб чиқишда қонун ҳужжатларига риоя қилинганлиги ҳолатини синчковлик билан ўрганиши талаб этилади.

Ушбу идоралар томонидан ўз ваколатлари доирасида йиғиладиган иш материалларида қонунда белгиланган ҳужжатларнинг барчаси йиғилганлиги, уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги ва тегишли манзилларга ўз вақтида юборилганлигига эътибор қаратиш лозим

томонидан

қуйидаги ҳужжатлар ва йиғма жилдлар юритилади:

- вояга етмаганлар якка тартибдаги профилактикасига оид ҳужжатлар;
- қидирув эълон қилинган вояга етмаганлар, шунингдек ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлашга доир ҳужжатлар;
 - вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларнинг аниқлашга оид ҳужжатлар;
- вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар шахсларни аниқлашга оид тўпланган ҳужжатлар;
- вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш
 - марказларига ёки Республика ўқув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда жойлаштириш бўйича тузилган ҳужжатлар;
- ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хаттиҳаракатлар содир этган вояга етмаганларнинг, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ички ишлар
 - органларига олиб борилишига оид тўпланган ҳужжатлар;
- вояга етмаганларнинг яшаш, ўқиш (иш) жойидаги таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, бошқа ташкилотларда, тўғарақлар ва клубларда вояга етмаганлар билан олиб борилган профилактик ва назорат тадбирлари натижаси бўйича йиғилган ҳужжатлар;
- вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлар профитакликасига оид бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишларга оид езишмалар ва бошқа материаллар.

Прокурор назоратида фойдаланилиши лозим бўлган қонунлар, қонуности ва идоравий ҳужжатларнинг тавсиявий рўйхати:

- Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 йилдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун;
- Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни;
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.03.2019 йилдаги 251-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Ички ишлар органлири профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 31.08.2017 йилдаги 138-сонли буйруғига асосан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низом;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 11.09.2017 йилдаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сонли буйруғи.

Ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази юкланган вазифаларга мувофиқ ўз ваколатлари доирасида:

– уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг шахсини аниқлаш, ҳаёти, соғлиғини муҳофаза қилиш ёки улар томонидан такроран ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни кеча-кундуз қабул қилишни ҳамда вақтинча сақлашни таъминлайди;

– олиб келинган вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бу ҳақда тегишли давлат органларини ва бошқа ташкилотларни хабардор қилади;

– вояга етмаганларни Республика ўқув-тарбия муассасаларига олиб боради, шунингдек ушбу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларни жойлаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширади.

Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарорнинг бекор қилиниши

– прокурорлар судларда вояга етмаганларни ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ва Республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш масалалари муҳокамасида иштирок этишлари;

– вояга етмаганларни ижтимоий-хуқуқий ёрдам марказлари ва Республика ўқув-тарбия муассасаларига қабул қилиш, жойлаштириш ва сақлаш шароитларини ҳар ойда текширишлари лозим.

Текширишга тайёргарлик кўриш босқичида

тўпланадиган маълумотлар

– марказларга олиб келинган ва якка тартибдаги профилактика ишлари олиб борилган вояга етмаган шахсларга оид маълумотлар;

– текширилаётган давр учун тузилган ҳисоботлар;

– вояга етмаганларни Республика ўқув-тарбия муассасаларига олиб бориш, шунингдек ушбу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларни жойлаштириш бўйича йиғилган ҳужжатлар.

Марказларни текширишда ўрганилиши лозим бўлган масалалар

1) вояга етмаганларнинг ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойланишининг қонунийлиги:

2) вояга етмаганларнинг марказда ушлаб турилишининг қонунийлиги:

3) марказга жойлаштирилган вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши:

4) марказ ходимлари томонидан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш борасида амалга оширилган фаолият:

5) марказ мансабдор шахслари томонидан марказфаолиятида қонунийликни таъминланиши:

вояга етмаганларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам

кўрсатиш марказига жойланишининг қонунийлиги

– марказга олиб келинган вояга етмаганларни рўйхатга олиш китобининг юритилиши:

– марказга жойлаштирилган ҳар бир вояга етмаганга нисбатан юритилган йиғма жилдларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги, уларни жойлаштириш учун керакли ҳужжатларнинг мавжудлиги;

– вояга етмаганларни марказга ноқонуний жойлаштириш ҳолатлари ҳужжатлар.

вояга етмаганларнинг марказда ушлаб турилишининг

қонунийлиги

– ўғил болалар ва қиз болаларнинг алоҳида ётоқхоналарда жойлаштирилиши;

– вояга етмаганни марказда сақлаш муддатларига амал қилинганлиги;

– вояга етмаганларни марказда сақлаш муддатини узайтирилишининг қонунийлиги

– вояга етмаганлар тегишли таълим ва бошқа муассасаларга йўлланмалар ўз вақтида берилмаганлиги муносабати билан белгиланган муддатдан ортиқ марказда сақланган ёки сақланаётганлиги ҳолатлари ҳужжатлар.

марказга жойлаштирилган вояга етмаганлар

томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши

– неча марта вояга етмаганлар марказдан қочиб кетганлиги;

– ҳар бир қочиш ҳолати юзасидан текшириш ўтказилганлиги, уларнинг натижалари ва жавобгар мансабдор шахсларга нисбатан кўрилган чоралар;

– марказ бошлиғи томонидан вояга етмаганларга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилиши ва уларни бекор қилинишининг қонунийлиги.

марказ мансабдор шахслари фаолиятининг қонунийлиги

– марказ бошлиғи номига йўлланган мурожаатларнинг ўз вақтида кўриб чиқилганлиги ва уларнинг натижаларининг қонунийлиги;

– прокурор номига йўлланган мурожаатларнинг ўз вақтида марказ томонидан тегишлилиги бўйича юборилганлиги;

– марказ бошлиғи томонидан ходимларнинг вояга етмаганларга нисбатан ноқонуний ёки ноўй ҳаракатлари юзасидан интизомий жазо қўллаш тўғрисидаги буйруқларининг асослилиги;

марказ ходимлари томонидан вояга етмаганлар

ўртасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш борасида

– марказга олиб келинган ҳар бир вояга етмаган бўйича назоратсизлик ва қаровсизлик сабабларига аниқлик киритилганлиги;

– аниқланган сабаблар ва шарт-шароитлар асосида қайси ташкилотларга уларни бартараф қилиш юзасидан мурожаат қилинганлиги ёки таклиф киритилганлиги;

– бошқа ташкилотларга вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлиги сабабларига ҳамда вояга етмаганларнинг шахсига аниқлик киритиш мақсадида йўлланган сўровномалар, уларга жавоб хатлари берилганлиги;

– вояга етмаганларни шахсий текширувдан ўтказиш, уларнинг буюмларини, шунингдек улар олаётган ва юбораётган поСилка ва бошқа почта жўнатмаларини текширувдан ўтказиш амалга оширилганлиги;

– ҳудудий вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларарокомиссия томонидан марказда текшириш ўтказилганлиги.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож бўлган ёшлар билан ишлаш

тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.05.2019 йилдаги “Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ 4342-сонли қарори қабул қилинган.

Қарорга мувофиқ, Бахт шаҳридаги ўғил болалар махсус коллежи, Кўқон шаҳридаги махсус енгил саноат коллежи, Самарқанд шаҳридаги 64-сонли ўғил болалар мактаб-интернати ва Чиноз туманидаги 5-сонли қиз болалар мактаб-интернати негизида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси ҳамда Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси ташкил этилган.

Республика ўқув-тарбия муассасаларига 14 ёшга тўлган ва 18 ёшдан ошмаган қуйидаги вояга етмаганлар жойлаштирилади

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўлиқ англаб етишга қодир бўлмаган.

– айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноий жавобгарликдан озод қилинган, материаллар вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга кўриб чиқиш учун топширилган;

– Республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган;

– якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай мунтазам равишда ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган вояга етмаганлар суд қарори асосида жойлаштирилади.

ПҚ-4342

Бош прокуратуранинг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг асосий вазифалари сифатида:

– Республика ўқув-тарбия муассасаларида вояга етмаганлар сақланишининг қонунийлиги ва уларга яратилган Шарт-шароитлар устидан назоратни амалга ошириш;

– ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, жиноий жавобгарликдан ёки мажбурлов чоралари қўлланган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган, жазони ўташдан муддатидан

илгари шартли озод қилинган, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки Республика ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига оид қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш белгиланган.

йилдаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сон буйруғига асосан:

– судларда вояга етмаганларни Республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш масалалари муҳокамасида прокурор иштироки мажбурийлиги,

– вояга муассасаларига етмаганларни Республика жойлаштириш ўқув-тарбия қабул қилиш, ва сақлаш шароитларини ҳар ойда текшириш лозимлиги белгиланган.

Ўқув-тарбия муассасаларида ўрганилиши лозим бўлган

масалалар:

– болаларнинг ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилишининг қонунийлиги, улар учун очилган йиғма жилдларда қуйидаги ҳужжатларнинг мавжудлиги:

– муассасанинг тегишли кадрлар билан тўлдирилганлиги (бошқарув, педагог, тиббиёт ва хизмат кўрсатувчи ходимлар), лавозимга тайинланган ва ишга қабул қилинган ходимлар мутахассислигининг ўрнатилган талабларга тўғри келиши;

– муассасада муқаддам судланган ёки вояга етмаганларнинг ўқув-тарбия жараёнида иштирок этишига тўсқинлик қилувчи ноҳўя ҳаракатларни содир этганлиги учун ишдан бўшатирилган ходимларнинг мавжудлиги;

– тарбияланувчиларни турли тўғаракларга жалб қилиш ва уларнинг иштирокини таъминлаш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинаётганлиги;

– тарбияланувчиларнинг муассасалардан қайтарилишининг қонунийлиги;

– муассасадан чиқиб кетган вояга етмаганларни ишга жойлаштириш борасида амалга оширилган ишлар;

– вояга етмаганларни ўз уйларига қайтаришда белгиланган тартиб қоидага амал қилинганлиги;

Ўқув-тарбия муассасаларини ўрганишда иштирок этиши лозим бўлган мутахассислар

Молия бўлимига оид

Бандлик бўлимига оид

Шифокор-педиатрга оид

Санитария-эпидемиология хизматига оид

Мактабгача ва мактаб таълими тизими мутахассисларига оид

пайтидан етти ёшгача, то уларга умумий ўрта таълим ташкилотларида таълим бериш бошланган пайтга қадар бўлган ёши.

мактабгача таълим ва тарбия – болаларга таълим ва тарбия беришга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган узлуксиз таълим Тури.

мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълимдастури – бола томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган асосий билимларнинг, маҳорат ва кўникмаларнинг ҳажмини ҳамда мазмунини белгиловчи, шунингдек таълим ва тарбия мазмунининг ўзига хослигини, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи ҳужжат.

мактабгача таълим ташкилоти – мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим ва тарбия хизматлари кўрсатувчи давлат ҳамда нодавлат ташкилоти.

нодавлат мактабгача таълим ташкилоти – нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширишга доир лицензия асосида мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим ва тарбия хизматларини кўрсатувчи юридик шахс.

ташкил этилади:

умумий турдаги мактабгача таълим ташкилоти;

кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти;

инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилоти;

қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилоти.

13.05.2019 йилдаги ВМҚ-391

Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текширишни қуйидаги айрим давлат органлари ҳам ўз ваколатлари доирасида амалга ошириши мумкин: этилади:

- тарбияланувчиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш масалалари бўйича текшириш – ички ишлар органлари томонидан;

- ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига амал қилинишини ўрганиш бўйича текшириш – Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;

- аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига назоратини амалга ошириш масалалари бўйича текшириш – Санитария-эпидемиология хизмати томонидан;

- меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини бўйича текшириш – Бандлик ва меҳнат марказлари

Текширишга тайёргарлик кўриш босқичида тўпланадиган маълумотлар

- 1) Туман (шаҳар) ҳокимлигидан олинадиган маълумотлар;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳудудий бўлимларидан олинадиган маълумотлар;
- 3) Туман (шаҳар) судлари ёки бевосита прокуратурадаги назорат ишларини ўрганиш орқали олинадиган маълумотлар.
- 3) Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимидан.
- 4) Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасидан

Текшириш объектлари ва уларда ўрганилиши лозим бўлган масалалар

- 1) **Мактабгача таълим бўлимларида:**
- 2) **Давлат мактабгача таълим ташкилотида:**
- 3) Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасасида:
- 4) Нодавлат мактабгача таълим муассасасида:

Мактабгача таълим бўлимларида

- **ходимлар ўртасида вазифалар тақсимо**ти белгиланганлиги ва ходимларнинг таништирилганлиги;
- ходимлар томонидан вазифалар тақсимо
- тига мувофиқ уларнинг зиммасига юклатилган вазифалар ижроси қандай даражада таъминланганлиги;
- белгиланган йўналишлар бўйича тегишли иш режалар тузилганлиги ва уларнинг ижроси;
- туман бўйича мактабгача таълим ташкилотлари кесимида нотинч ва ноқобил оилаларда вояга етаётган болалар аниқланганлиги ҳамда улар билан боғлиқ ишларнинг аҳволи;
- мактабгача таълим ташкилотлари кесимида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларда вояга етаётган болалар юзасидан маълумотларнинг мавжудлиги ва улар бўйича амалга оширилган ишлар;
- мактабгача таълим ташкилотлари ҳудудидан белгиланган масофада алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг сотилиши бўйича чекловларга амал қилиниши устидан назорат аҳволи;
- мактабгача таълим ташкилотларини методик таъминлаш, мавжуд ижобий амалиётни аниқлаш ва оммалаштириш борасида амалга оширилган ишларнинг аҳволи.

сифатини бажаришнинг;

- мактабгача таълим тизими мутахассисларига қўйиладиган малака талабларининг бажарилиши;
- бюджет қонунчилигига риоя этилганлиги;
 - мактабгача базасининг ҳолати; таълим муассасалари моддий-техник
- муассаса ходимлари сифатида расмийлаштирилганларнинг ҳақиқатдан ҳам мазкур ташкилотда фаолият юритишини ўрганиш;
 - таъмирлаш-тиклаш, қурилиш ишларини, шунингдек, мактабгача таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича ишлар, мактабгача таълим муассасалари бинолари ва иншоотларининг жорий аҳволи;
- мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси;
- давлат мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрларини аттестациядан ўтказилиши;
- давлат мактабгача таълим ташкилотининг педагогик кенгаши, кузатув кенгаши фаолияти;
- мактабгача таълим муассасаларида ўқув-методик фаолият ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этилганлиги;
- давлат мактабгача таълим ташкилотида педагог ходимлар учун ҳафталик иш юкламасининг бажарилиши аҳволи;
- мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати;
- мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатланишнинг ташкил этилганлиги;
- ошпазларнинг ҳар уч йилда бир марта малака ошириши, тиббий кўрикдан ўтган ҳолда ишга қўйилиши;
- давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматларининг кўрсатилиши;
- мактабгача таълим ташкилотидаги гуруҳлар ёшга доир тоифалар ёки ёшга доир бўлмаган тоифалар бўйича тўлдирилганлиги;
- мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартибига риоя этилганлиги;
- мактабгача бўлган ёшдаги болалар учун табиий озиқ-овқат маҳсулотлари тўплами, уларни ёшига доир физиологик эҳтиёжларига мувофиқ бўлган рационал ва мутаносиб озиқ-овқат билан таъминлаш тартибига риоя этилиши;
- мактабгача таълим ташкилотларида санитария қоидалари ва нормаларига, гигиеник нормативларга риоя этилиши;
- муассасада водопровод ва канализация тизимлари, мебель, жисмоний тарбия жиҳозлари, дераза дарчалари ва фрамугаларнинг мустаҳкамлиги ҳамда созлиги аҳволи;
- ҳар бир мактабгача таълим муассасаси ёнғин хавфсизлиги жиҳозлари, зарур бирламчи ўт ўчириш воситалари билан етарли миқдорда таъминланганлиги;

Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасасида:

- оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасасининг** муассислари якка тартибдаги тадбиркор эканлиги;
- туман белгиланган (шаҳар) шаклдаги ҳокимликлари томонидан берилган рухсатнома нусхаси, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим нусхаси, педагог ва тиббиёт ходимларининг дипломлари нусхалари мавжудлиги;
- 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 7 - 12 нафар болаларга тарбия берилишига йўл қўйилиши ҳолати;
- бино ва иншоотлар ёнғин хавфсизлиги ҳамда санитарияэпидемиология назоратининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослиги;
- тарбияланувчиларга тиббий ёрдам кўрсатиш соғлиқни сақлаш органларининг шартнома асосида махсус бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилиши;
- тегишли олий ёки ўрта махсус педагогик маълумотли шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлиги
- суд томонидан ёки тиббий хулосага мувофиқ бундай фаолият билан шуғулланиши тақиқланган шахсларнинг педагогик фаолият билан шуғулланаётганлиги;
- ҳар чоракда камида бир марта ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни туман мактабгача таълим бўлимига тақдим этганлиги;
- Мактабгача таълим вазирлигининг ҳудудий органлари томонидан оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолияти учун зарур бўлган жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва ўқув материаллари берилганлиги;
- оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ муассиснинг маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобидан молиялаштирилганлиги
- ўқув ва тарбия жараёнини давлат талабларига, ўқув режаларига ва таълим дастурларига мувофиқ ташкил этилганлиги;
- субсидия билан таъминланувчи давлат-хусусий шериклик шаклидаги мактабгача таълим ташкилотига қатновчи тарбияланувчилар рўйхатини шакллантириш (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари билан) ҳамда болаларнинг 2 ёки ундан ортиқ ташкилотларда рўйхатдан ўтганлик ҳолатини ўрганиш мақсадида, Мактабгача таълим вазирлигининг “ЭМИС” дастуридаги тарбияланувчилар ҳамда нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида рўйхатда турувчи болаларни рўйхатини ўзаро солиштириш;
- мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчи болаларнинг ота-оналари ўртасида фарзандининг ҳақиқатдан ҳам мазкур ташкилотда тарбия олиши, ташкилотнинг кунлик иш вақти ҳамда ҳафталик иш даври, ота-оналар томонидан тўланадиган бадал тўловлари миқдорлари, таълим ташкилотидаги таълим сифатини ўрганиш бўйича сўровномалар ўтказиш;
- давлат-хусусий шериклик битимида мувофиқ, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандлари меъёрларига риоя қилиниши ҳамда улар томонидан тўланаётган ота-оналар тўлови миқдорларининг имтиёзли шартларда эканлиги.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасида

– **нодавлат мактабгача таълим муассасалари** учун белгиланган имтиёзларнинг қўлланилиши аҳволи;

– давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувларнинг амал қилиш муддатлари ва шартларига риоя этилиши аҳволи;

– мактабгача таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қобилиятли ва иқтидорли фарзандларини танлов асосида муассасадаги жами ўқувчилар умумий сонининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда таълим хизматларини кўрсатиш эвазига келиб тушган даромадлар ҳисобидан бепул (грант асосида) ўқишга қабул қилинганлиги, кейинги йилларда ўқувчиларни бепул (грант асосида) ўқитишни давом эттириш бўйича қарор нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан уғулланувчи юридик шахс томонидан таълим олувчининг оилавий шароити ва унинг академик натижаларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинганлиги.

Мактабгача таълим муассасаларининг санитария ҳолатини урганиш

- **лойиҳа ва амалдаги гуруҳлар сонининг ўзаро мувофиқлиги;**
- лойиҳа қуввати, тарбияланувчиларнинг рўйхатдаги сони ва амалдаги ҳолатнинг ўзаро мувофиқлиги;
 - ичимлик суви ва иссиқ сув билан таъминланганлиги, оқава сув тизимининг созлиги;
 - гуруҳ хоналарининг санитария ҳолати, шамоллатиш, ҳафталик ва кундалик тозалаш ва зарарсизлантириш ишларининг ўтказилиши;
 - қаттиқ ва юмшоқ жихозлар билан таъминланганлиги, уларнинг тўғри ўрнатилганлиги;
 - болалар ўйинчоқларини ювиш, зарарсизлантириш ҳолати, ёстиқ ва кўрпа-тўшак жилдлари 2 комплект, махсус ва санатория типдаги МТТларда 3 комплектдан таъминланганлиги, уларни ҳафтада бир маротаба ва заруриятга кўра алмаштирилганлиги;
 - хожатхоналар ҳолати: қўл ювиш раковиналари сони, унитазлар сони, сан.техника жиҳозларининг созлиги, тозалаш ва зарарсизлантириш тадбирларининг бажарилиши;
 - кирхона этилганлиги; ҳолати, кетма-кетлик қоидаларига риоя этилганлиги;
 - кир ювиш машиналари сони, ҳолати, махсус журнал юритилиши, юувчи ва зарарсизлантирувчи воситаларнинг мавжудлиги ва уларнинг захираси;
 - МТМга тиббиёт ходимларининг бириктирилганлиги, тиббий ҳужжатларнинг юритилиши,
 - юқумли касалликларни рўйхатга олиш журнаlines юритиш ва юқумли касалликларга чалиниш аҳволи;
 - 10 кунлик намунавий таомнома мавжудлиги, тасдиқланган ва келишилганлиги;
 - тайёрланган таомноманинг кундалик таомномага ва МТМга келган болалар сонига мослиги;
 - МТМ ички буйруғи билан бракераж комиссияси ташкил этилганлиги;
 - кундалик овқат (суточная проба) намуналарнинг қолдирилганлиги, сақланиш ҳолати;
 - намуналар учун идишларнинг стерилизация қилинганлиги;
 - омборхонада совуткичлар сони ва уларнинг созлиги;
 - сабзавотларни сақлаш омборхонасининг ҳолати, вентиляция ташкил этилганлиги;

Прокурор назорати давомида фойдаланилиши лозим бўлган қонунлар, қонуности ва идоравий ҳужжатларнинг тавсиявий рўйхати:

– Ўзбекистон Республикасининг 07.01.2008 йилдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни;

– Ўзбекистон Республикасининг 16.12.2019 йилдаги “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни;

– Ўзбекистон Республикасининг 23.09.2020 йилдаги “Таълим тўғрисида” ги Қонуни;

– Ўзбекистон 09.09.2017 йилги такомиллаштириш қарори;Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини тубдан чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3261-сон қарори

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.09.2017 йилги «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатишфаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3276-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.04.2018 йилги ПҚ-3651-сон қарори билан тасдиқланган “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Низом;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2018 йилги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПҚ-4312-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.09.2018 йилги “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3955-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.07.2019 йилдаги «Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 626-сонли қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Ўзбекистон

30.04.2018 Республикаси Соғлиқни сақлаш таълим вазирлигининг муассасаларида йилдаги “Мактабгача болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом

– Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 31.08.2017 йилдаги 138-сонли буйруғига асосан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низом;

– Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 11.09.2017 йилдаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сонли буйруғи.

Таълим турлари

1. Таълим турлари қуйидагилардан иборат:
2. мактабгача таълим ва тарбия;
3. умумий ўрта ва ўрта махсус таълим;
4. профессионал таълим;
5. олий таълим;
6. олий таълимдан кейинги таълим;
7. кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
8. қўшимча таълим.

Мактабгача таълим ва тарбия.

Мактабгача таълим ва тарбия болаларни ўқитиш ва тарбиялашга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган таълим туридир.

Мактабгача таълим ва тарбия олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бошланғич таълимга бир йиллик мажбурий тайёрлашни ҳам назарда тутди.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим ўқув дастурларини, зарур билим, малака ҳамда кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган.

Умумий ўрта таълим (I — XI синфлар) босқичлари қуйидагилардан иборат:

бошланғич таълим (I — IV синфлар);

таянч ўрта таълим (V — IX синфлар);

ўрта таълим (X — XI синфлар).

Умумий ўрта таълим ташкилотининг биринчи синфига болалар улар етти ёшга тўладиган йилда қабул қилинади.

Бошланғич таълим таълим оловчиларда умумий ўрта таълимни давом эттириш учун зарур бўлган саводхонлик, билим, малака ва кўникмалар асосларини шакллантиришга қаратилган.

Таянч ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим оловчиларга билим, малака ва кўникмаларнинг зарурий ҳажмини беради, уларда мустақил фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиради.

Таянч ўрта таълим доирасида (VII синфдан сўнг) таълим оловчиларда касблар бўйича бирламчи билим ва кўникмаларни шакллантириш учун уларни профессионал ташхислаш ва касб-хунарга йўналтириш бўйича чоралар амалга оширилади.

Умумий ўрта таълим ташкилотларида узлуксиз тарзда, мажбурий бўлган ўн бир йил давомида амалга оширилади.

Ўрта махсус таълим академик лицейларда тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида амалга оширилади ва таълим оловчиларнинг интеллектуал қобилиятларининг жадал ривожланишини, шунингдек чуқур, табақалаштирилган, касб-хунарга ва шахсга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Нодавлат таълим ташкилотларида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тўлов-шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Умумий ўрта таълим ташкилотларининг синфларида (гуруҳларида) таълим оловчилар сони ўттиз беш нафардан ошмаслиги керак.

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари

б) Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

в) Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Таълим ташкилотини бошқариш

таълим ташкилотини бошқаришни тегишинча қуйидагилар амалга оширади:

педагогик кенгаш;

кузатув (васийлик) кенгаши;

олий таълим ташкилотининг кенгаши;

таълим ташкилотининг раҳбари.

Таълим ташкилотларида жамоатчилик бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин.

Таълим ташкилотларини бошқаришда ва кадрлар тайёрлашда кадрлар талабгорлари иштирок этади.

Қасддан содир этилган жиноят учун илгари судланган шахслар таълим ташкилотларининг раҳбарлик лавозимларига тайинланиши мумкин эмас.

Таълим ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистон Республикасининг таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий давлатлар таълим ташкилотларининг филиаллари юридик шахс мақоми билан ташкил этилади.

Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти шаклидаги таълим хизматлари якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

Таълим ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш

Давлат олий таълим, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, шунингдек давлат иштирокидаги олий, ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилади.

Таълим тўғрисидаги ҳужжат

Аккредитация қилинган таълим ташкилотларининг давлат таълим стандартларига ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим олган битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат оилада таълим олган ёки мустақил таълим олган ҳамда аккредитация қилинган давлат таълим муассасаларининг тегишли ўқув дастурлари бўйича экстернат тартибида якуний ва давлат аттестациясидан ўтган шахсларга ҳам берилади.

Ўрта махсус таълим, профессионал таълим ҳамда олий таълим тўғрисидаги дипломга ўзлаштирилган фанлар рўйхати, уларнинг ҳажмлари ва фанлар бўйича баҳолари ёзилган варақа илова қилинади.

Туман (шаҳар) ҳокимлигидан олинадиган маълумотлар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳудудий бўлимларидан олинадиган маълумотлар:

Туман (шаҳар) судлари ёки бевосита прокуратурадаги назорат ишларини ўрганиш орқали олинадиган маълумотлар:

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлиmidан:

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасидан:

Туман (шаҳар) ички ишлар органлари ва Вояга етмаганлар бўйича идоралараро комиссиядан:

Туман (шаҳар) ҳокимлигидан олинадиган маълумотлар:

- **умумий ўрта таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисида** маълумотлар;
- мактабларга жалб этилган инвестициялар тўғрисидаги маълумотлар;
- туман (шаҳарда) 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар сони тўғрисидаги маълумот;
- **умумий ўрта таълим ташкилотлари битирувчилари бандлигини таъминлашга қўмаклашганлик бўйича** маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳудудий бўлимларидан олинадиган маълумотлар:

- **умумий ўрта таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказилганлиги бўйича** маълумот;
- **нодавлат умумий ўрта таълим муассасаларини** фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги маълумот;
- умумий ўрта таълим муассасаларини таълим-тарбия жараёни сифати устидан олиб борилган назорат ва мониторинг бўйича маълумот;
- умумий ўрта таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини аттестациядан ўтказилганлиги бўйича маълумот;
- умумий ўрта таълим муассасаларининг педагог ходимларига малака тоифалари берилиши юзасидан маълумот.

Туман (шаҳар) судлари ёки бевосита прокуратурадаги назорат ишларини ўрганиш орқали олинadиган маълумотлар:

- умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятига оид кўрилган ишлар ва уларнинг натижалари (имкон қадар охириги 3 йиллик маълумотлар);
- умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқувчилари томонидан содир этилган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумот.

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлиmidан:

- туман белгиланган маълумотлар;(шаҳар) халқ таълими бўлими фаолияти ва иш режаларининг бажарилишига оид умумий– туман (шаҳар)даги умумий мактаблар сони ва жойлашган манзили, улардаги ўқувчилар сони тўғрисидаги маълумот;
- умумтаълим мактабларида соғлиғи ва бошқа сабабларга кўра таълим олмаётганлар тўғрисидаги маълумот;
- етим ва ота-она қаровисиз қолган ўқувчилар тўғрисида маълумот;
- муқаддам ўтказилган текширишлар маълумотномалари.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасидан:

- умумий ўрта таълим муассасаларининг тиббиёт ходимлари фаолиятини назорат қилинишига оид маълумотлар;
- умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари орасидан жароҳат турлари, ичкиликбозлик ва таксомания бўйича мурожаат қилган ўқувчилар сони ва қайси таълим муассасасидан эканлиги тўғрисидаги маълумот;
- умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари орасида тиббиёт бирлашмаси “Д” ҳисобида турувчи шахслар тўғрисида маълумот;

Туман (шаҳар) ички ишлар органлари ва Вояга етмаганлар бўйича идоралараро комиссиядан:

- умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқувчилари ичида маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар тўғрисида тўлиқ маълумот;
- умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқувчилари ичида Вояга етмаганлар бўйича идоралараро комиссияси ҳисобида турувчи таъсир чоралар қўлланилган ўқувчилар ва маъмурий жавобгарликка тортилган ўқувчиларнинг ота-оналари тўғрисида маълумот;
- умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисида маълумот.
- умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари орасида тиббиёт бирлашмаси “Д” ҳисобида турувчи шахслар тўғрисида маълумот;

Давлат умумий ўрта таълим муассасасида текшириш:

- ўқувчилар ҳаракати дафтарининг юритилиши аҳволи;
- кадрларга оид буйруқлар дафтарининг юритилиши аҳволи;
- шаҳодатнома ва аттестатларни тарқатиш дафтарининг юритиш аҳволи;
- умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома ва аттестатнинг ҳамда бошқа қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатларнинг (сертификат ва бошқалар) тўғри сарфланиши;
- малака тоифа сертификатларини қайд этиш ва тарқатиш дафтарини юритиш аҳволи;
- умумтаълим муассасасининг белгиланган барча йўналишлари бўйича йиллик иш режаларининг мажудлиги ҳамда уларнинг бажарилиши;
- 9, 10, 11-синфлар ўқувчилари ўртасида ўтказилган фан олимпиадаларига оид ҳужжатлар юритилишининг қонунийлиги;
- уйда таълим олаётган ўқувчиларга оид ҳужжатлар жамланмаси;
- педагог кадрлар давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари бўйича фаолият кўрсатаётганликлари;
- педагог ходимлар томонидан йиллик иш юкламасининг бажарилиши;
- давлат таълим стандартига кўра, ўқувчилар белгиланган фанлар бўйича тўлиқ ўқитилиши, фанлар бўйича зарур билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлик аҳволи;
- умумтаълим мактаб ўқувчиларининг дарсларга қатнашиши, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этилиши, турли тўғаракларга, спорт машғулотларига жалб қилиниши;
- таълим муассасасида раҳбарлик лавозимларида ёки педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи суд ҳукмига асосан чекланган шахсларнинг ишлаётганлиги;
- педагог-ходимлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш аҳволи, бўш иш ўринлари ўз вақтида малакали педагоглар билан тўлдирилиши;
- таълим муассасаларига ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши, давлат мулкнинг сақланиши, ундан самарали ва оқилона фойдаланилиши аҳволи, бу борада молия идоралари томонидан ўтказилган текширишлар ва кўрилган чораларнинг қонунийлиги;
- умумтаълим мактаблари биноларини ва муҳандисликкоммуникация инфратузилмасини янгилаш ҳамда капитал реконструкция қилиш, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар, шу жумладан электрон дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозлаш аҳволи, уларнинг замонавийлиги ва ишга яроқлилиги ҳамда амалиётда фойдаланилаётганлиги;
- таълим муассасаларида пуллик хизматлар кўрсатиш, бинолар ва асосий воситаларни ижарага бериш, таъмирлаш ишлари ва бошқа мақсадларга пул маблағлари йиғилишининг қонунийлиги;
- педагогларга иш ҳақлари, аванс, рағбатлантириш ва таътил пуллари берилиши, директор жамғармаси маблағлари ҳисобига ўқитувчиларга устамалар белгилашнинг қонунийлиги;
- директор жамғармаси маблағлари ўқув-тарбия жараёнига катта шахсий ҳисса қўшган, ўз касбига содиқлик ва ташаббускорлик, юқори касб даражасини намоён этган ўқитувчиларни рағбатлантириш учун йўналтирилганлиги;
- ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш учун ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши бухгалтерия ҳужжатларини таққослаш ва қўшимча манбалардан олинган маълумотларнинг таҳлили;
- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисобланиши;
- мавжуд ўқув муассасаларининг умумий аҳволи, газ, сув, электр энергияси, кўмир билан таъминланиши ва иситилиши;
- муассасаларнинг ижарага берилган қисми учун ижарачилар томонидан ишлатилган коммунал харажатларнинг тўлиқ тўланганлиги;

Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида текшириш:

- Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган (ақли заиф болалар учун) махсус таълим талабларига мувофиқ билим олишларини таъминланиши аҳволи;
- ўқувчиларнинг ижтимоий-ҳиссий ривожланишлари, ҳаётий қобилиятларининг шаклланиши учун зарур коррекцион (тузатувчи) — ривожлантирувчи таълим муҳити яратилганлиги;
- ўқувчиларни умумтаълим муассасаларида инклюзив (уйғунлашган) таълим шароитида ўқишга тайёрлаш аҳволи;
- ўқувчиларга таълим-тарбия бериш жараёнида уларнинг психик функциялари ва саломатлиги тизимли кузатилиши аҳволи;
- ихтисослаштирилган таълим муассасалари, уларнинг ихтисослашувига мувофиқ ўқувчиларнинг қабул қилинганлиги (8 та турга бўлинади);
- ўқувчилар сони 250 нафардан ошмаслиги қондасига риоя этилганлиги;
- болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларига юбориш психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасига кўра, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар розилиги билан амалга оширилганлиги;
- болалар 7 ёшдан бошлаб, тайёрлов гуруҳларига эса – 5-7 ёшдагилар қабул қилинганлиги;
- муассасаларнинг ижарага берилган қисми учун ижарачилар томонидан ишлатилган коммунал харажатларнинг тўлиқ тўланганлиги;
- ўқув хоналари зарур махсус жиҳозлар билан таъминланиши;
- ихтисослаштирилган таълим муассасаларида синфларнинг сони тўғри ташкил этилганлиги;
- ҳар чоракда камида бир марта ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тегишли фуқаролар йиғинига тақдим этганлиги;
- ихтисослаштирилган таълим муассасасида педагогик, услубий ҳамда кузатув кенгашлари фаолияти;

Умумий ўрта таълим муассасаларининг санитар ҳолатини урганиш:

- муассаса ҳудудининг ободонлаштирилганлиги, атрофи ўралганлиги, йўлаклар асфальтланганлиги, фасад қисми ҳолати;
- дераза-ромлар ҳолати, бино том қисми ҳолати, чердак, ер тўла ва чиқиндихона ҳолати;
- ичимлик сув тизими, оқава сувлар тармоғи, иситиш тизими ҳолати ва иссиқ сув билан таъминланганлиги;
- синф хоналарининг ҳолати (деворлари, поллари, деразаойналари ва ёритилиши);
- ўқув мебелларининг ҳолати (уларнинг ўқувчилар ёши ва бўйига мослиги, жойлаштирилиши);
- кийимлар учун жавонлар мавжудлиги;
- бино ташқарисида хожатхона мавжудлиги, унинг таъмирланганлиги, тозаланганлиги, марказий канализациягауланганлиги, қўл ювиш учун шароит яратилганлиги;
- овқатланиш зали ҳолати, стол-стуллар сони, қўл-ювиш раковиналари ҳолати;
- ошхонанинг биноси лойиҳа асосида қурилганлиги;
- рухсат этилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тақиқланган таомларнинг рўйхати мавжудлиги, уларга риоя этилганлиги;
- 10 кунлик намунавий таомнома мавжудлиги, тасдиқланган ва келишинганлиги;
- профилактик зарарсизлантириш бўлими билан шартнома тузилганлиги ва унинг бажарилиши;
- ошхона ходимларининг дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтганлиги, санитария минимум курсларида ўқиганлиги;
- тиббий хона ҳолати, жиҳозланиши ва қўл ювиш, қабул ҳамда муолажа учун шароит яратилганлиги;

идоравий ҳужжатларнинг тавсиявий рўйхати:

– Ўзбекистон Республикасининг 07.01.2008 йилдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни;

– Ўзбекистон Республикасининг 14.09.2016 йили “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни;

– Ўзбекистон Республикасининг 23.09.2020 йилдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.09.2018 йилдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон Фармони;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.04.2019 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.09.2019 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5815-сон Фармони;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2006 йилги “Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-362-сонли қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.08.2018 йилда қабул қилинган «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3907-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.11.2018 йилда қабул қилинган «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3931-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.02.2019 йилда қабул қилинган «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4199-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавиймаърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.09.2019 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4444-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.04.2017 йилдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.12.2017 йилдаги «Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1026-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.02.2019 йилдаги 146-сон қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисида”ги Низом;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.04.2019 йилдаги 352-сон қарори 2-илоvasи билан тасдиқланган “Умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш тартиби тўғрисида”ги Низом;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги “Президент мактаблари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 526-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.07.2019 йилдаги “Ўқувчиларни психологик-педагогик қўллабқувватлаш ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 577-сон қарори;

Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати:

Касб-ҳунар мактаби — Халқаро таснифлагичнинг 3-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида 9-синф битирувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган бошланғич профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари.

Коллеж — Халқаро таснифлагичнинг 4-даражасигача мос келувчи таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлайдиган вазирликлар ва идоралар тизимида фаолият кўрсатадиган таълим муассасалари.

Техникум — Халқаро таснифлагичнинг 5-даражасигача мос келувчи ва олий таълим тизими билан интеграциялашган таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлайдиган ҳамда олий таълим муассасалари ҳузурида фаолият юритадиган таълим муассасалари.

Бош прокурор буйруқларида қўйилган талаблар:

- **таълим тўғрисидаги қонунчилик талабларининг** сўзсиз ижро этилиши устидан самарали ва таъсирчан назорат ўрнатиш;
- вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва унинг қўйи тузилмалари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларининг қонунийлигини ҳар чоракда ўрганиб бориш;
- назорат тадбирларида ўқувчиларнинг давомати устидан таъсирчан назорат ўрнатилишига, тарбиявий ишларнинг ва вояга етмаганларнинг бўш вақтлари сифатли ва мазмунли ташкил этилишига қаратилган чоралар тизимли равишда кўриб борилиши каби вазифалар белгиланган.

Текширишга тайёргарлик кўриш босқичида тўпланадиган маълумотлар:

- туман (шаҳар)да мавжуд касб-ҳунар мактаби, коллеж, техникумлар фаолияти тўғрисида умумий таҳлилий маълумот;
- туман (шаҳар)да мавжуд касб-ҳунар мактаби, коллеж, техникумларда ўтказилган текширишлар ва ўрганишлар бўйича тузилган ҳужжатлар нусхалари;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига жалб этилган инвестициялар тўғрисидаги маълумот;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот. таълим муассасалари.
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг давлат аккредитациясидан ўтказилганлиги бўйича маълумот;
- нодавлат ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги маълумот;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълимтарбия жараёни сифати устидан олиб борилган назорат ва мониторинглар бўйича маълумот;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини аттестациядан ўтказилганлиги бўйича маълумот;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог ходимларига малака тоифалари берилиши юзасидан маълумот;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ичида маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар тўғрисида маълумот;

Текшириш объектлари ва уларда ўрганилиши

Ўқувчи бўлган масалалар:

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисида маълумот;
- **таълим стандартлари, малака талаби, ўқув режаси ва** фан дастурлари асосида юқори сифатли касб-ҳунар таълими берилиши;
- таълим дастурларининг (ўқув режаси ва ўқув дастурлари) мавжудлиги ва ўқитишнинг уларга мослиги;
- ўқувчилар амалиётининг тўғри ташкил этилганлиги;
- якуний давлат аттестацияси имтиҳонлари ташкил этилишининг қонунийлиги;
- ўқув-методик, илмий-методик ва тажриба ишларининг сифатли амалга оширилиши;
- педагог кадрлар давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари бўйича фаолият кўрсатаётганликлари;
- педагог ходимнинг йиллик иш юкламаси бажарилиши;
- ўқув машғулоти зарур маълумотга ва мутахассисликка эга бўлган ўқитувчилар томонидан замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ўтказилиши;
- диплом ҳамда бошқа қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатларнинг (сертификат ва бошқалар) тўғри сарфланиши; этилган инвестициялар тўғрисидаги маълумот;
- таълим муассасасида раҳбарлик лавозимларида ёки педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи суд ҳукмига асосан чекланган шахсларнинг ишлаётганлиги;
- ўқувчилар сони бўйича нормативларга риоя қилинганлиги, битирувчиларга берилган шаҳодатномаларнинг ҳаққонийлиги;
- янги қурилаётган ва қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилган қурилиш-монтаж ишларининг тўлиқ ва сифатли ўтказилганлиги, бажарилган ишларнинг ҳаққонийлиги;
- таълим муассасаларида пуллик хизматлар кўрсатиш, бинолар ва асосий воситаларни ижарага бериш, таъмирлаш ишлари ва бошқа мақсадларга пул маблағлари йиғилишининг қонунийлиги;
- педагогларга иш ҳақлари, аванс, рағбатлантириш ва таътил пуллари берилиши, ўқитувчиларга устамалар белгилашнинг қонунийлиги;
- бюджет қонунчилигига риоя этилганлиги;
- моддий-техник базасини белгиланган талабларга мослиги;

Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан маълумотлар:

– **вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, тиббий ва тиббий-ижтимоий ёрдамнинг барчага бирдек таъминланиши, давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида кафолатланган бепул**

тиббий ёрдам кўрсатилиши ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни кучайтириш;

– вояга етмаганларга, айниқса ногиронлиги бўлган болалар ва болаликдан ногиронлиги бўлган вояга етмаганларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг сифатига, уларнинг реабилитациясига, дори-дармонлар, протез-ортопедик буюмлар ва ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли шартларда таъминланишига, соғлиқни сақлаш муассасаларида болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, касалликларни эрта аниқлаш, уларни профилактика қилиш ва даволаш тадбирларининг ташкил этилишига эътибор қаратиш;

– тиббий муассасаларнинг моддий-техника базасидан самарали ва оқилона фойдаланилишига, болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, тарбиялаш ва парваришлаш мажбуриятларини бажармаган шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилишига ва вояга етмаганларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратиш;

– туғуруқхоналарда она ва бола ўлими, шунингдек, бир ёшгача бўлган болалар ўлимининг ҳар бир ҳолати бўйича терговга қадар текширув ўтказилиши таъминлаш, уларнинг натижалари бўйича тиббиёт ходимларининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш вазифалари белгиланган маълумот;

Текширишга тайёргарлик кўриш босқичида тўпланадиган маълумотлар:

– **вояга етмаганларда касалликларни эрта аниқлаш, профилактика қилиш ва даволаш-соғломлаштириш тадбирларига оид маълумот;**

– болалар тиббий кўрик комиссиялари ва уларнинг малакали шифокорлар билан таъминланганлиги ҳақида маълумот;

– тиббиёт муассасалари, жумладан қишлоқ врачлик пунктларининг аҳоли сонига нисбатан фоизи, шифокорлар билан таъминланиш аҳволи ва болаларнинг чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказилиши ҳақида маълумот;

– оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг малакаси, ўрта тиббиёт ходимларининг тегишли мутахассисликка эга эканлиги ҳақида маълумот;

– ўсмир қизлар ва бола туғиш ёшидаги аёлларда экстрагенитал касалликлар, уларни даволаш аҳволи, исталмаган ҳомиладорлик ва эрта туғруқ ҳолатлари ҳамда юқумли касалликлар сони ҳақида маълумот;

– оналар ва бир ёшгача болалар ўлимига оид маълумотлар;

– бюджет ҳамда ҳомийлик маблағларининг сарфланишига оид маълумотлар;

– вояга етмаганларнинг соғлиғини сақлашга йўналтирилган Давлат дастурларининг бажарилишига оид маълумотлар;

– камқонлик касаллигига йўлиққан ҳомиладор аёллар ҳақида маълумот;

– болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш, туғма нуқсони бор ва ногиронлиги бўлган болаларни тезкор даволашга оид маълумот.

Текшириш объектлари ва уларда ўрганилиши лозим бўлган масалалар:

- болаларда касалликларни эрта аниқлаш, профилактика қилиш ва даволаш-соғломлаштириш тадбирлари ўз вақтида ҳамда тўғри ташкил этилганлиги;
- болалар тиббий кўрик комиссиялари ташкил этилганлиги ҳамда уларнинг таркиби малакали шифокорлар билан тўлдирилганлиги, комиссияларнинг зарур тиббий асбоблар ва жиҳозлар билан таъминланганлиги;
- шаҳар ва туманлардаги тиббиёт муассасалари, шу жумладан қишлоқ врачлик пунктларининг аҳоли сонига нисбатан мувофиқлиги, шифокорлар билан таъминланиш аҳволи ва тиббий муолажаларнинг самарадорлиги;
- ўсмир қизлар ва бола туғиш ёшидаги аёлларнинг экстрагенитал касалликларини даволаш чоралари кўрилганлиги, тиббий кўрсаткичларга зид бўлган исталмаган ҳомиладорлик ва эрта туғруқ ҳолатларининг ҳамда юқумли касалликларнинг онадан болага ўтишининг олди олинганлиги;
- камқонлик касаллигига йўлиққан ҳомиладор аёлларни темир моддасига бой препаратлар ва дори-дармонлар билан таъминланганлиги;
- болалар юқумли касалликларга қарши эмланганлиги, туғма нуқсони бор ва ногиронлиги бўлган болаларни тезкор даволаш ишларининг самарадорлиги;
- даволаш-профилактика муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига риоя этилганлиги;
- оналар ва болалар ўлимига оид маълумотлар ҳаққонийлиги тиббиёт муассасалари, туғруқхона, ФХДЁ ва бошқа муассасалардан олинган маълумотларни солиштириш йўли билан текширилиши ҳамда олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги ва уларнинг самарадорлиги;
- тиббиёт муассасалари ва ихтисослашган даволаш-профилактика томонидан вояга етмаганлар ўртасидагиёҳвандликни эрта аниқлаш бўйича ички ишлар органлари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйилганлиги;
- тиббиёт муассасалари томонидан бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли, ёшлар ўртасида соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида тегишли тарғибот ва тушунтириш ишларининг самарали ташкил этилганлиги;
- тиббиёт ва соғломлаштириш объектларининг қурилиши, уларнинг моддий-техника базаси аҳволи, лаборатория-ташхис ускуналари, дори-дармон препаратлари ва бошқа тиббий воситалар билан таъминланганлиги;
- давлат мулки ва бюджет маблағларидан ҳамда ҳомийлар ва бошқа шахслар томонидан кўрсатилган беғараз маблағ ва мулклардан оқилона, самарали фойдаланилганлиги;
- тизимда Давлат дастурларидаги тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилганлиги, бу борада тармоқ ва ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилганлиги ва ижроси;
- вояга етмаганлар соғлиғини сақлаш тўғрисида оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда кенг тушунтириш ишлари ташкил этилганлиги ва ҳ.к.

● **Оналар ва гўдаклар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш:**

Она ўлими – бу аёлнинг ҳомиладорлик даврида ёки туғруқдан сўнг 42 кун мобайнида, ҳомиладорликнинг давомийлиги ва жойлашувидан қатъий назар, ҳомиладорликнинг асоратланиши ёки уни олиб бориш билан боғлиқ бўлган қандайдир сабаблар оқибатида, лекин тўсатдан пайдо бўлган сабаб ёки бахтсиз ходисадан ташқари ўлими.

● **Гўдак ўлими – тирик туғилганлик мезонларидан бири** (нафас олиши, юрак уриши, киндик пульсацияси, мускулларнинг беихтиёрий қисқариши) мавжуд бўлиб, ҳомиладорлик муддати 22 ҳафта ва ундан ортиқ, бўйи 25 см. ва ундан ортиқ, вазни 500 грамм ва ундан ортиқ бўлган боланинг 1 ёшгача вафот этиши

● **Терговга қадар текширув давомида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилиши лозим:**

– **терговга қадар текширувларнинг биринчи кунидеёқ бемор даволанган тиббий палатанинг жиноят-процессуал тартибга риоя қилинган ҳолда кўздан кечирилиши, ўлган она ёки болага**

нисбатан тайинланган тиббий даволаш муолажаларининг рўйхати, тегишли рецептлар ва дори воситалари қолдиқлари, уларга нисбатан юритилган барча тиббий ҳужжатларни (амбулатор тиббий карта, ҳомиладор ва туққан аёлнинг индивидуал картаси, ҳомиланинг ривожланиш босқичларида юритилган ҳужжатлар, касаллик тарихи ва ҳ.к.) олиш; этиши;

– она ва боланинг атайлаб ўлдирилганига шубҳа бўлган тақдирда, тергов-тезкор гуруҳи томонидан улар яшаган хонадонлар ҳам криминалистик техника воситаларидан фойдаланган ҳолда тўлиқ кўздан кечириш;

– касаллик тарихидаги мавжуд тиббий ҳужжатлар ёки бемор томонидан тиббий хизмат кўрсатилишидан, стационар тартибда даволанишдан ёхуд бошқача тиббий хизматдан ўз хоҳиши билан бош тортганлиги ҳақидаги ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига баҳо бериш;

– терговга қадар текширув даврида оналар ва гўдаклар ўлими ҳолатлари юзасидан тиббиёт ходимлари ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун хизмат текширувлари тайинланиши ва тегишли хулоса билан бирга иш учун аҳамиятли барча ҳужжатларни олиш;

– аёл ҳомиладорлик даврида бирламчи тиббий-санитария муассасалари томонидан ўз вақтида ҳисобга олинганлиги, тиббий карталар ўз вақтида очилганлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруқларидан келиб чиққан ҳолда аёлга бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан ўз вақтида тиббий хизмат ва муолажалар кўрсатилганлиги ҳолатларини ўрганиш;

– тиббиёт муассасасига ҳомиладор аёл келтирилишидан то ўлимигача ёки бола туғилишидан то ўлимигача бўлган вақт оралиғида уларга тиббий хизмат кўрсатган ходимлардан ҳолат бўйича батафсил тушунтириш хатлари олиш;

– тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўлим сабаблари ўрганилиши ҳамда аниқланган ҳолатлар ва ўлим ўртасида сабабий боғланиш бор-йўқлигига ҳуқуқий баҳо бериш;

– тўпланган ҳужжатлар бўйича қарама-қаршиликлар вужудга келганда ёки ўлим сабабларига ёхуд ўтказилган патологоанатомик текширув/суд-тиббиёт экспертиза хулосасига шубҳа туғилган ҳолларда комиссиявий суд-тиббий экспертиза тайинлаш.

Вояга етмаганларга нисбатан ва уларга алоқадор жиноят ишларини судларда кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш ўтказиш:

Жиноий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўз навбатида, ушбу жараёнда вояга етмаганларга нисбатан ёки уларга алоқадор жиноят ишлари бўйича қонунларнинг тўғри тадбиқ қилиниши, вояга етмаган шахснинг ҳаракатига унинг барча жихатлари,

шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда баҳо бериш муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, вояга етмаган шахснинг психикаси бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу ҳолат ҳар бир процессуал ҳаракатни амалга оширишда малакали мутахассисларнинг билимлари ва тажрибасига асосланган алоҳида тайёргарликни талаб этади.

Яъни, процесс давомида иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш ва унга қонуний баҳо бериш ҳамда вояга етмаган шахснинг нозик хусусиятларга эга бўлган психикасига салбий таъсирларни олдини олиш борасидаги чора-тадбирларнинг уйғунлигини таъминлаш лозим бўлиб, бу эса процессда прокурор ваколатини таъминловчи ходимларда алоҳида билим ва кўникмаларнинг мужассамлигини талаб этади.

Бош прокурор буйруқларида қўйилган талаблар:

– **вояга етмаган шахсларга нисбатан** қамоққа олиш (уй қамоғи) тарзидаги эҳтиёт чораси фақат унга беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин

бўлган қасддан жиноят содир этганда ҳамда айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини бошқа эҳтиёт чоралари таъминлай олмайдиган тақдирда қўлланилиши ҳақидаги қонун талабларига қатъий риоя этилиши;

– вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш (уй қамоғи) тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишда туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиб, вояга етмаганни сўроқ қилиши;

– вояга етмаганнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида унинг шахси, соғлиғининг ҳолати, яшаш ва тарбияланиш шароитлари ўрганилиши;

– жиноят мавжудлигини содир этишда вояга етган иштирокчилар содир этилиши аниқлашнинг ҳамда жиноят сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишнинг барча чоралари кўрилиши;

– биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган вояга етмаганнинг шахсини ҳамда содир этилган қилмишнинг хусусиятини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга кўриб чиқиш учун юбориш масаласи муҳокама қилиниши шартлиги белгилаб қўйилган.

Судларда вояга етмаганларга нисбатан ва уларга алоқадор жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатини таъминлаш ўтказиш:

ЖПКнинг 548-моддасида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар белгиланган бўлиб, унга кўра суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича, қуйидагилар исботланиши лозим:

- айблаш ва ҳукм қилиш учун асосларнинг мавжудлиги (ЖПК 82-модда);
- реабилитация учун асосларнинг мавжудлиги (ЖПК 83-модда);
- айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асосларнинг мавжудлиги (ЖПК 84-модда);
- вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, ойи, куни);
- вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати;
- унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;
- катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги тўлиқ текширилганлиги.

жиноят ишларини юритишда вояга етмаганларнинг ёшини ва шахсини аниқлаш шарт ҳисобланади. Айни вақтда, шу нарсани эътиборда тутиш керакки, шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган куни ўтганидан сўнг, яъни эртаси куннинг ноль соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тўлган деб ҳисобланади.

Судланувчининг ёши суд-тиббиёт экспертизаси томонидан аниқланаётганда, унинг туғилган куни деб, экспертлар аниқлаган йилнинг охири куни ҳисобланади. Ёш энг кам ва энг кўп йиллар миқдори билан аниқланганда, суд экспертлар томонидан белгиланган энг кам ёшдан келиб чиқиши лозим. текширилганлиги.

Фойдаланилиши лозим бўлган қонунлар, қонуности ва идоравий ҳужжатларнинг тавсиявий рўйхати:

- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;
- Ўзбекистон кодекси; Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 15.09.2000 йилдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 11.09.2017 йилдаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сонли буйруғи.
- биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган вояга етмаганнинг шахсини ҳамда содир этилган қилмишнинг хусусиятини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга кўриб чиқиш учун юбориш масаласи муҳокама қилиниши шартлиги белгилаб қўйилган.